
ФАРҒОНА ШАҲРИДА ТИББИЙ МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ИХТИСОСЛАШГАН ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР ИШГА ТУШИРИЛМОҚДА

Вилоят ҳокими Фарғона шаҳри “1-Бешбола” МФЙ, Истиқлол кўчасида жойлашган “Medinjection Industries” МЧЖнинг “Автоматик тиббий инфузион тизимини ишлаб чиқаришни ташкил этиш” лойиҳасини ҳам бориб кўрди.

Тадбиркор Дилмурод Аҳмедов ташаббуси билан ишга туширилаётган янги лойиҳа қиймати 2,5 млн. долларни ташкил қилади. Хитой технологиялари ўрнатилган корхона яқин кунларда ишга туширилади, 80 та иш ўрни яратилади.

Вилоят ҳокими корхонадаги ишлаб чиқариш жараёнлари, замонавий технологиялар билан яқиндан танишди.

Шу жойда тадбиркор томонидан лойиҳа қиймати 10 млн. доллар бўлган “Таблеткалар, ампулали дори воситалари ва инфузион эритмалар ишлаб чиқариш” лойиҳаси тақдимоти ҳам ўтказилди.

Ушбу лойиҳани белгиланган тартибда Қувасой шаҳридаги кичик саноат зонасида жойлаштириш белгиланди.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2023 йил ноябрда ўтказилган фармацевтика саноатида ишлаб чиқаришни янада қўллаб-қувватлаш масалаларига бағишланган йиғилишда маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантиришга алоҳида урғу берилганди. Фарғона шаҳридаги янги корхоналар, хориждан импорт қилинадиган дориларни вилоятимизда ишлаб чиқариш орқали маҳаллийлаштиришда муҳим ўрин тутди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2024-02-29 20:37:50